

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати томонидан 2026 йилнинг биринчи ярмида
тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори**

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида”ги РС-44-18-сонли қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2026 йилнинг биринчи ярмида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанциясига 2026 йилнинг биринчи ярми давомида жами 4 487 та (*шундан 577 таси ўтган йилдан қолдиқ бўлиб ўтган*) шикоят (протест) келиб тушган бўлиб, шундан 955 таси ёки 21,3 фоизи қайтарилган, 565 таси ёки 12,6 фоизи судлов ҳайъатига ўтказилган, 2 686 таси ёки 59,9 фоизи судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 281 таси ёки 6,2 фоизи ҳисобот даврининг охирида қолдиқда қолган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 461 нафар шахсга нисбатан 397 та жиноят иши (материал) кўриб тамомланган. Шундан 233 нафар (50,5 %) шахсга нисбатан 204 та суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 86 нафар (18,7 %) шахсга нисбатан 72 таси бекор қилинган (*24 нафар (6 %) шахсга нисбатан оқлов, 16 нафар (3,3 %) шахсга нисбатан янги айблов ҳукми чиқарилган, 46 нафар (10,5 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бошқа асосларга кўра бекор қилинган*), 142 нафар (30,5 %) шахсга нисбатан 121 та суд қарорлари ўзгартирилган (*шу жумладан 57 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари моддий зарар қоплангани сабабли*).



Олий суд тафтиш инстанциясида кўрилган жиноят ишлари бўйича суд қарорларининг деярли ярми ўзгартирилгани (30,5 %) ёки бекор қилингани (18,7 %) вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан ишларни апелляция (кассация) ва тафтиш тартибида кўриш сифати талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда.

Бундай салбий кўрсаткичлар шаклланишига, Олий суд тафтиш инстанциясида:

Ҳарбий суд (52,4 %), Қорақалпоғистон Республикаси (35,7 %), Тошкент шаҳар (30 %) ва Сурхондарё (27,3 %) вилоят судлари қарорларининг бекор бўлиш *(таққослаш учун Наманган вилоят судлари қарорларининг 3,4 фоизи бекор қилинган)*;

Қашқадарё (57,1 %), Навоий (53,3 %) ва Андижон (36 %) вилоят судлари қарорларининг ўзгариш *(таққослаш учун Бухоро вилоят судлари қарорларининг 4 фоизи ўзгарган)* кўрсаткичи бошқа ҳудуд судларига нисбатан бир неча баробар юқори бўлгани асосий таъсир кўрсатган.

Таҳлил даврида судлов ҳайъати томонидан тафтиш инстанцияси судида 24 нафар шахснинг оқлангани, қуйи инстанция судлари:

– далиллар ва тарафларнинг важларини синчковлик билан текширмаётгани;

– ишда мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаётгани;


– ҳақиқатни аниқлаш ва айбсизлик презумпцияси каби Жиноят-процессуал қонунчилиги принципларига лозим даражада риоя қилмаётганини кўрсатмоқда.

Шу каби, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида 740 нафар шахсга нисбатан 708 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланган.

Иш кўриш натижаларига кўра, 438 нафар (59,2 %) шахсга нисбатан 414 та суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган бир пайтда, 142 нафар (19,2 %) шахсга нисбатан 142 таси бекор қилинган *(шундан 54 нафар (38,1 %) шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилган)*, 160 нафар (21,6 %) шахсга нисбатан 152 таси ўзгартирилган.

Тафтиш инстанцияси судида кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан 19,2 фоиз суд қарорлари бекор қилинган бўлса-да, ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилган шахслар сони *(54 нафар)* ўтган йилнинг мос даврига *(117 нафар)* нисбатан 63 нафар ёки 116,7 фоизга камайган.

Бироқ, ўтган йилнинг биринчи ярмида 149 нафар (13,8 %) шахсга оид суд қарорлари ўзгартирилган бир вазиятда, жорий йилда ушбу кўрсаткич 160 нафарни ташкил этган ҳолда, 7,4 фоизга ошгани *(11 нафар)* ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича ҳам айрим ҳудудларнинг суд қарорлари барқарорлигини таъминлаш юзасидан зарурий чоралар кўришни тақозо этмоқда.



Хусусан, таҳлил даврида Олий суд тафтиш инстанциясида суд қарорларининг:

бекор бўлиш кўрсаткичи нисбатан юқори бўлган Андижон (36,4 %), Фарғона (29,7 %) ва Тошкент (29,2) вилоят судлари (*таққослаш учун Самарқанд вилоят судлари қарорларининг 10 фоизи бекор қилинган*);

ўзгариш кўрсаткичи нисбатан салбий бўлган Навоий (44,4 %) ва Қашқадарё (31,5 %) вилоят судларининг (*таққослаш учун Фарғона вилоят судлари қарорларининг 5,4 фоизи ўзгарган*) мазкур тоифадаги ишларни кўриш сифатини ошириш юзасидан қатъий чоралар кўриш лозим.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида кўриб тамомланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар таҳлиliga кўра, қуйи судлар томонидан асосан:

– ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик (*8 нафар шахс асоссиз маъмурий жавобгарликка тортилган*);

– транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши (*3 нафар шахс асоссиз маъмурий жавобгарликка тортилган*) билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ишларини кўришда;

– маъмурий жазо қўллаш муддатларига (*6 нафар шахсга оид суд қарорлари маъмурий жазо қўллаш муддатлари ўтгани сабабли бекор қилинган*) баҳо беришда бир қатор жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Қуйида тафтиш инстанцияси томонидан суд қарорларининг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига сабаб бўлган айрим мисоллар келтирилади:

Зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган қилмиш, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг 2025 йил 17 январдаги ҳукмига кўра, Н. ва Ш. Жиноят кодекси 105-моддаси иккинчи қисмининг “и, м”-бандлари билан жарима жазосига судланган.

Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 15 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, Н. ва Ш. Жиноят кодексининг 70-моддасига асосан тайинланган жазодан озод қилинган.

Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 17 июлдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Н. ва Ш. 08.08.2024 йилда яшаш хонадони олдида безорилик ҳаракатларини содир этаётган М.нинг олдига чиқиб, у билан жанжаллашган ҳолда унинг юз ва бош қисмига зарба бериб, ўртача оғир шикаст етказган.

Биринчи, апелляция ва тафтиш инстанцияси судлари ушбу қилмишнинг содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларга етарли даражада баҳо бермасдан, қолаверса ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси каби Жиноят-процессуал қонунчилиги принципларига риоя қилмаган ҳолда Н. ва Ш.ни жиноят содир этишда айбли деб топган.

Олий суд Пленумининг “Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида”ги 39-сонли қарорида, тажовузнинг характери ва хавфлилиқ даражасига бутунлай мувофиқ бўлмаган мудофаани ва бунинг оқибатида тажовузчига ҳеч қандай заруриятсиз Жиноят кодексининг 100 (*зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдирши*), 107-модда (*зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиши*)ларида назарда тутилган қасддан зарар етказилсагина зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Олий суд тафтиш инстанцияси судида текширилган видеоёзувда М. воқеа содир этилган куни **соат 00:30 ларда** Н. ва Ш.нинг яшаш уйи олдига қўлидаги **пичок** билан бориб, маҳалла аҳолиси ухлаб ётганига қарамасдан баланд овозда ҳақоратли сўзларни айтиб, уйнинг дарвозасини қаттиқ уриб, атрофдаги бошқа фуқароларнинг эътиборини тортиб, уларнинг осойишталигини бузиб, қўлидаги пичокни намоиш қилиб, Н.нинг уйдан чиқишини талаб қилиб, талаби бажарилмагач:

– уйнинг дарвозаси олдида турган Н.га тегишли автомашинанинг олд ва ён ойналарини тош билан синдириб, автомашинанинг ўтиргичини ёқиб юборгани;

– унинг безорилик ҳаракатларини олдини олиш чорасини кўрмоқчи бўлган Н. ва Ш.ни уриб-дўппослаб, қўлидаги пичоқ билан Ш.га, қўллари билан Н.га енгил шикаст етказгани қайд этилган.

Бундай ҳолатда М.нинг тажовузкор ҳаракатлари оқибатида Н. ва Ш. ўзининг соғлиғи ва мулкини ҳимоя қилган.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2026 йил 18 мартдаги ҳукмига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, Н. ва Ш. қилмишида Жиноят кодекси 105-моддаси иккинчи қисмининг “и, м”-бандлари билан боғлиқ жиноят таркиби бўлмагани сабабли оқланган.

1-1112-2401/259-сонли иш

Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2025 йил 6 февралдаги ҳукмига кўра, Э.га Жиноят кодекси 241-моддасининг биринчи қисми билан 2 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 7 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 13 июндаги ажрими билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Э. 2024 йил 13 август куни таниши Н. билан маҳалла биносининг ёнида бир неча шахслар жанжал қилиб, бақираётганини эшитиб, биргаликда воқеа жойига боришган ҳамда судланган Д.дан маҳалла кўчасида автомашинаси тўхтаб қолган С.ни қасддан уриб ўлдирилганини эшитиб, ушбу ўта оғир жиноят ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермасдан, яшаш уйига қайтиб кетган.

Жиноят-процессуал кодексининг:

– 22-моддасига кўра, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим;

– 463-моддасига кўра, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа

ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим.

Биринчи инстанция суди ишда мавжуд далилларга етарлича ҳуқуқий баҳо бермасдан, Э.га нисбатан айблов ҳукмини чиқарган.

Апелляция ва тафтиш инстанция судлари ҳам биринчи инстанция судининг камчиликларини бартараф қилмасдан, ҳукми ўзгаришсиз қолдирган.

Иш ҳужжатлари ва тафтиш инстанцияси судида аниқланган ҳолатларга қараганда, Э. **жанжал тугаганидан сўнг** воқеа жойига етиб борган, у боргунга қадар у ерда жабрланувчи Б. ва гувоҳ Ғ. бўлиб, жабрланувчи Б. тез тиббий ёрдамга, Ғ. эса маҳалла раисига хабар берган бўлган.

Шунингдек, гувоҳ Ғ. хабар бергандан сўнг воқеа жойига дастлаб маҳалла раиси, сўнг Тез тиббий ёрдам бўлими ва ИИБ ходимлари етиб келишган.

Иш бўйича барча жабрланувчи ва гувоҳлар ҳам жанжал бўлаётган вақтда Э.ни кўрмагани ҳақида кўрсатув берган.

Бундай ҳолатда Э.нинг ҳаракатларини жиноят ҳақида хабар бермаган ёки уни яширган деб баҳолаб бўлмайди.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2026 йил 4 июндаги ҳукми билан суд қарорлари бекор қилиниб, мазкур жиноят иши жиноий ҳодиса юз бермагани сабабли Жиноят-процессуал кодекси 83-моддасининг 1-бандига асосан тугатилиб, Э. оқланган.

1-1413-2401/455-сонли иш

Шу каби, жиноят ишлари бўйича Пахтачи туман судининг 2025 йил 7 мартдаги ҳукмига кўра, 3.га Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисми ва 118-моддаси иккинчи қисмининг “б”-банди билан 8 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 25 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, 3.нинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 118-моддаси иккинчи қисмининг “б”-бандидан ушбу модданинг биринчи қисмига қайта малакаланиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 5 ноябрдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, 3. 28.09.2024 йил соат 22:00 ларда танишлари М., Д. ва И. билан бирга ўтириб, спиртли ичимлик истеъмол қилган хонадонда М.нинг маст ҳолатда эканлигидан фойдаланиб, зўрлик ишлатиб, қўрқитиб, у билан бир маротаба жинсий алоқа қилган ҳамда кейинчалик у билан ўзаро ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик оқибатида жанжаллашиб қолиб,

М.нинг чап умров суяги ва бошқа соҳаларига бир неча маротаба уриб, унга “ўртача оғирликдаги” тан жароҳати етказган.

З.нинг номусга тегиш жиноятини содир этмаганини тасдиқловчи бир нечта видеотасвирлар тақдим этиб келинган бўлса-да, дастлабки тергов органи ҳамда судлар ушбу далилларга етарлича ҳуқуқий баҳо бермасдан, **фақатгина жабрланувчи М.нинг кўрсатмаларига асосланиб**, З.ни Жиноят кодекси 118-моддаси билан боғлиқ жиноятни содир этган деб топган.

Тафтиш инстанцияси судида жиноят ишига илова қилинган видеотасвирлар ўрганилганда жабрланувчи М. бир қатор ҳолатларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатувлар бергани аниқланган.

Хусусан у дастлабки тергов, биринчи ва юқори инстанция судларидаги кўрсатувида:

– гўёки З. унга **зўрлик ишлатган ҳолда ўзининг яшаш уйига олиб кириб**, мажбурлаб спиртли ичимлик истеъмол қилдириб, номусига текканини билдирган бўлса-да, аслида М.нинг ўзи З.га қўнғироқ қилиб, у ва дугонаси Д. кўчада кутиб туришини, келиб, уларни олиб кетишини сўраган;

– ёки **бир рюмкадан спиртли ичимлик ичгани**, бошқа ичмаганини билдирган бўлса-да, видеотасвирда “З. ака ароғингиз қолмабдику, олиб келинг” дегани тасвирланган.

Энг асосийси, бир қатор видеотасвирларда жабрланувчи М.нинг **ўз хоҳишига кўра З. билан жинсий алоқада бўлгани**, агар мажбурлаб у билан жинсий алоқада бўлганида, устидан ёзиши мумкинлиги, битта жинсий алоқа қилдириб, кейин эса мажбурлаб қилди деб айтиб экспертизадан ўтса, унинг гапи ўтиши ва бошқа ўзаро тухмат қилиш билан боғлиқ суҳбатлар мавжудлиги аниқланган.

Оқибатда, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2026 йил 4 июндаги ажримига кўра, суд қарорлари ўзгартирилиб, З. ҳаракатларида номусга тегиш жинояти аломатлари мавжуд эмаслиги сабабли Жиноят кодекси 118-моддаси иккинчи қисмининг “б”-банди билан оқланган.

1-1414-2401/226-сонли иш

Қонуннинг орқага қайтиш кучи инобатга олинмасдан “ўта хавфли рецидивист” деб топилган шахсга оид суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг 2024 йил 18 июлдаги ҳукмига кўра, С. Жиноят кодекси 127-моддасининг учинчи қисми ва 169-моддаси тўртинчи қисмининг “а” банди билан 14 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жазони **“қаттиқ”** тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 3 мартдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 8 сентябрдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, С. Жиноят кодекси 34-моддаси учинчи қисмининг “а”-бандига асосан “**ўта хавфли рецидивист**” деб топилиб, жазони “**махсус**” тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Жиноят кодекси 34-моддаси учинчи қисмининг “а”-бандига кўра, илгари **ўта оғир** жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан **ўта оғир** жиноят содир этилиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Бироқ, вилоят тафтиш инстанцияси суди С. томонидан муқаддам содир этилган жиноий қилмишларга етарли ҳуқуқий баҳо бермагани оқибатида уни асоссиз “ўта хавфли рецидивист” деб топган.

Чунки, С. муқаддам жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2015 йил 1 июлдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси 267-моддаси иккинчи қисмининг “б”-банди билан 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган бўлса-да, жиноят содир этилган пайтда ушбу жиноий қилмиш **оғир жиноятлар тоифасига кирган**.

Фақатгина 2016 йил 26 декабрдан эътиборан, Жиноят кодекси 267-моддаси иккинчи қисмининг санкциясига ўзгартириш киритилиб, ушбу жиноят таснифи **ўта оғир жиноятлар тоифасига киритилган**.

Тафтиш инстанцияси суди С.ни “ўта хавфли рецидивист” деб топишда Жиноят кодекси 13-моддасининг учинчи қисми талаби, яъни қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки **шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган** қонун орқага қайтиш кучига эга эмаслигини эътибордан четда қолдирган.

Натижада, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2026 йил 24 февралдаги ажрими билан Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг ажрими ўзгартирилиб, С.ни “ўта хавфли рецидивист” деб топиш ҳамда жазони “махсус” тартибли колонияларда ўташни белгилаш қисми бекор қилинган.

1-2103-2402/103-сонли иш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик фактини тасдиқловчи далиллар қонун талабларига зид равишда расмийлаштирилган иш тугатилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент туман судининг 2026 йил 8 январдаги қарорига кўра, Н.га Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 136-моддасининг биринчи қисми билан 3 йил муддатга барча турдаги

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари, яъни 11 250 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2026 йил 27 апрелдаги қарори билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарорига кўра, Н. 2025 йил 29 июль куни соат 12:07 ларда транспорт воситасини бошқариб келаётганида, ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилиб, ундан алкоғолли ичимликдан, мастлиги ёки маст эмаслигини белгиланган тартибда аниқлаш учун текширувдан ўтиш сўралганида, текширувдан ўтишдан бўйин товлаган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг:

– 8-моддасида, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонунчиликда белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига торттилиши мумкин эмаслиги, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилиши;

– 307-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка торттилиш-тортилмаслигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шартлиги белгиланган.

Бироқ, иш ҳолатларига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни расмийлаштирган орган мазкур қонун талабларига риоя қилмаган.

Биринчи ва кассация инстанцияси судлари ҳам маъмурий орган томонидан йўл қўйилган қонунбузилишларга етарли даражада баҳо бермасдан, Н.ни маъмурий жавобгарликка тортган.

Хусусан, Н.га нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги электрон баённома 2025 йил 29 июлда расмийлаштирилган бўлсада, тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлагани ҳақидаги далолатнома **бир кун олдинги сана билан**, яъни 2025 йил 28 июлда расмийлаштирилган.

Қолаверса, ушбу далолатномада Н.нинг “алкотестер”га пуфлагани ёки ундан бош тортгани ёхуд текширув натижаларига эътироз қилгани қайд этилмаганидан ташқари, далолатномани имзолаган икки нафар холисдан бири Н.нинг автомашинаси жойлаштирилган жарима майдончасининг директори Ш. экани исботланган (*Ш. ўзининг тушунтириш хатида бундан олган*).

Бундай ҳолатда холис Ш. жарима майдончасига киритилган транспорт воситаси сақланган ҳар бир кун учун амалга ошириладиган тўловдан манфаатдор ҳисобланади.

Мазкур ҳолатлар Н.нинг уни ЙПХ ходими тўхтатган жойда умуман холис бўлмагани, ҳужжатлар жарима майдончасига борганда расмийлаштирилгани ҳамда ишда холис бўлиб қатнашган Ш. шу жойда тегишли ҳужжатларни тасдиқлаб имзолаганини кўрсатади.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2026 йил 4 июндаги қарорига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, Н.га нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатилган.

3-1801-2503/8586-сонли иш

Шахснинг соғлиги туфайли ҳуқуқбузарлик факти инкор этилган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилиши лозим.

Тошкент вилояти МАБ инспекторининг 2025 йил 3 июндаги қарорига кўра, И. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 125-моддасининг биринчи қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми, яъни 187 500 сўм жаримага тортилган.

Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2025 йил 1 июлдаги қарорига кўра, қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 29 августдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорига кўра, И. 2025 йил 24 майда автотранспорт воситасини хавфсизлик камаридан фойдаланмасдан бошқарган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли қарорининг 9-бандида, ҳомиладор аёллар, **саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган беморлар** (*Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган касалликлар рўйхатида мувофиқ ва ушбу касалликлар билан касалланганлиги бўйича тиббий маълумотнома мавжуд бўлганда*) хавфсизлик камарини тақмасликка рухсат берилиши белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, И. 2-гуруҳ ногирони ҳисобланиб, муддатсиз берилган тиббий маълумотномасида, унда юрак ишемик касаллиги, зўриқиш, стенокардия ташҳиси қўйилгани, ушбу касалликлар хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган касалликлар турига кириши кўрсатилган.

Шунга қарамасдан, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари ҳуқуқбузарнинг соғлиғи ҳақидаги вазиятига эътибор қаратмасдан, маъмурий органнинг қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Шунга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2026 йил 13 мартдаги қарорига кўра, барча қарорлар бекор қилиниб, И.га нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатилган.

3-1-1116-2503/1233-сонли иш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб, маъмурий жазо қўлланиш муддатлари ўтиб кетган бўлса, ҳуқуқбузарлик иши тугатилиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Олот туман судининг 2025 йил 14 августдаги қарорига кўра, Ҳ.га Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 61-моддасининг биринчи қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида, 375 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 13 октябрдаги қарори билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарорига кўра, Ҳ. Қоракўл тумани “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркалар интернат уйи ҳисобидаги узунлиги 8.5 метр бўлган 5 дона темир трубаларни ўзбошимчалик билан олиб кетиб, давлат мулкини оз миқдорда талон-торож қилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 36-моддасига кўра, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб **бир йилдан кечиктирмай** қўлланилиши мумкин.

Биринчи ва кассация инстанцияси судлари юқоридаги қонун талаби асосида ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтни аниқлаш чораларини кўрмагани оқибатида, Ҳ.га нисбатан асоссиз маъмурий жазо қўлланилган.

Тафтиш инстанция судида Ҳ. юқоридаги ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини 2024 йилнинг июнь ойида содир этгани аниқланган бўлиб, ишни кўриб чиқиш пайтига келиб, маъмурий жазо қўллашнинг бир йиллик муддати ўтиб кетган бўлган.

Шунга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2026 йил 12 мартдаги қарорига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, Ҳ.га нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддасининг 7-бандига асосан тугатилган.

3-2010-2502/1565-сонли иш

**Жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати**